Yurt va xalqimizga tayanch bo'laylik!

# Bulung'ur hayoti

Ijtimoiy tarmoqlardagi manzillarimiz:
Web-site: www.bulungurhayoti.uz
https://www.facebook.com/bhgazeta
@bulungurhayoti
E-mail: bulungur_hayoti@inbox.uz

Gazeta 1931 yil 5 dekabrdan chiqa boshlagan • ISSN 2010-0431

## ИШЛАР ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ ҲАМ, ГАЛДАГИ РЕЖАЛАР ИЖРОСИ ҲАМ МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАМИЗГА ОЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

## МУРОЖААТНОМАСИ

*Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

*Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 9 декабрдаги 131/18-сонли қарорига илова*

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 1 М³ ИЧИМЛИК СУВИ ВА ОҚОВА СУВ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИ

| т/р | Хизмат турлари | Истеъмол тури | Ўлчов бирлиги | Нархи (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ичимлик суви | Аҳоли истеъмолчиларига | 1 $м^3$ | 1850 |
| | | Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга | 1 $м^3$ | 3500 |
| 2 | Оқова сув | Аҳоли истеъмолчиларига | 1 $м^3$ | 1300 |
| | | Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга | 1 $м^3$ | 2800 |

## ЯНГИ ЙИЛНИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ

***Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра:***



• вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотлар томонидан турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди;

• корпоратив байрам тадбирларидан тежаб қолинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди;

• ушбу чеклов ресторан, кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектларида 30 кишидан ошмаган ҳамда санитария-гигиена ва карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланди;

• мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабалар иштирокида ёпиқ биноларда турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди;

• Янги йил байрами муносабати билан болажонлар учун мўлжалланган "Президент арчаси" байрам тадбирлари фақатгина меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун ўтказилиши белгиланди, бунда тарбияланувчиларнинг биргаликда бир масканда истиқомат қилиши инобатга олинди;

• вилоятлар, туманлар марказлари ва шаҳарларда очиқ осмон остида арчалар ўрнатиш тавсия этилди;

• вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари Янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш учун ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрадилар;

• ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш шохобчаларида карантин чекловларига (мижозларни жойлаштиришда ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқобдан фойдаланиш, 30 кишидан ошмаган ҳолда тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш, шунингдек, дезинфекция ишларини амалга ошириш) қатъий риоя этилиши устидан назорат кучайтирилади.